

Набий алайҳиссалом ўн тоифа одамни лаънатладилар



09:00 / 11.06.2021 4796

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хамр (ароқ)да ўн(киши)ни лаънатладилар:

Уни сиқувчисини, сиқишни буюрганни, ичувчисини, ҳаммолини, кўтартириб юрувчисини, қуйиб берувчисини, сотувчисини, баҳосини еювчисини, сотиб олувчисини ва сотдирувчисини».

Имом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида маст қилувчи нарса хамр, деб номланиб, асосан, узум ва хурмони сиқиб

олинадиган ичимликдан иборат эди. Ундан бошқа яна учта нарса ҳам бор эди, лекин улардан ҳамр олиш озроқ эди. Кейинчалик, маст қилувчи нарсаларнинг тури ҳам, исми ҳам кўпайиб кетди. Аммо барибир уларнинг ҳаммаси тури ва исмидан қатъий назар ҳамр ҳукмини олаверади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир маст қилувчи нарса ҳамрдир ва у ҳаромдир, деганлар.

Ҳаммаси учун ўн тоифа одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан лаънатга учрайди.

Кўриниб турибдики, ҳамр ва унинг ҳукмидаги барча маст қилувчи ичимлик ва моддаларнинг яқинига бориш ҳам мўмин-мусулмон одам учун умуман тўғри келмайди.